

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 49 (958) • 2013-yil, 6-dekabr, juma

Муқобил энергия асри

Муносабат

Бугун дунёда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, уларни амалда татбиқ этиш масалалари шиддат билан тадқиқ қилиб келинади. Ундан кенг фойдаланишга ўтиш мамлакатлар иқтисодиёти барқарорлигини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга, аънаввий энергия захираларини тежашга ёрдам беради. Энергетик жиҳатдан мустақил бўлмаган давлат эртаси фаровонлигини таъминлай олмаслиги шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан бу соҳада мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг бугуни ва эртанги кунига бўлган ишонччи янада мустақамлайди.

21-23 ноябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган Куёш энергияси бўйича Осие форумининг олтинчи йиғилиши ва унда Президентимиз Ислон Каримовнинг нутқи халқаро жамоатчилиқнинг катта қизи-

қишини уйғотиш билан бирга, уларнинг мамлакатимизга нисбатан ишонч ва ҳурматини янада оширди. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон нафақат куёш радиациясининг бойлиги, географик муҳитнинг қулайлиги, балки илмий салоҳияти, илмий экспериментал марказлари билан ҳам улкан имкониятлар юртига айланганини исботлади.

4 ➤

Солиқ қонунчилиги такомиллашади

Депутат минбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида 2014 йил учун Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тасдиқланди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети ва солиқ соҳасидаги прогноз параметрлари ўтган йилларга мос равишда 2014 йилда ҳам солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодиётга солиқ юкини пайсатиришга, маҳаллий бюджетлар даромадларини мустақамлаш ҳамда солиқ маъмурчилигини мукамаллаштиришга йўналтирилган.

4 ➤

Келажагимиз эгалари камолотига асос

Жиззах вилояти ёшларининг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтириш, Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилиятини янада юксалтириш борасида йил давомида 50 дан зиёд семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

5 ➤

“Амин инвест интернейшнл”

Келгуси сонда: корхонаси жамоаси 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Россия, Украина, Польша, Германия сингари буюртмачи мамлакатларга салкам 3 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилишга улгурди.

Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган милаати, тили, динидан қатъий назар барча инсонлар учун мустақам ҳимоядир.

Ислон КАРИМОВ

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган “ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий раванқ топтириш, Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суратларига эришиш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига

Адолат ва қонун устуворлигининг мустақам пойдевори

Шуларга уйғун тарзда Ватанимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари қўллаб-қувватланган. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб бораёпти. Буларнинг ҳаммаси юртимизда қабул қилинган Конституциянинг 21 йиллиги кенг нишонланаётган, мустақиллигимиз, демократик тараққиёт ва ижтимоий адолат таъмин бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётбахш самарасидир.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.

Биобарин, Конституциянинг 60-моддасида “Сиёсий партиялар турли табақа ва ғуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар...” деб белгиланган.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ортди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси партиялараро жиддий ва профессионал мунозаралар, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, парламент ролини, унинг мамлакатда юз бераётган демократик ислохотларга таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ғоя ва дас-

турларнинг кураш майдонига айланиб бораётганлиги қонунларнинг пишиқлиги ва пухталигини таъминлаётди. Сиёсий партиялар муқобил, рақобатдош лойиҳалар, ҳар бир партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазибаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилаётганликлари ҳам диққатга сазовор.

Кейинги пайтларда сиёсий партиялар ўз дастурларининг

мақсадлари қонун ҳужжатларида акс этиши учун уларнинг лойиҳаларини ўз фракцияларида чуқур муҳокама қилмоқдалар, бунинг натижасига кўра ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг аниқ нуқтаи назари ишлаб чиқилмоқда ва у парламент муҳокамасига киритилаётгани электорат манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қилиш имконини бераёпти.

3 ➤



Ташаббускор, оқила ва иқтидорли аёллар танлови

Партиянинг оқила аёли — 2013

Аёл — ҳаё ва ибод, садоқат ва матонат, нафосат ва ғўзаллик тимсоли. Бугун у нафақат севиқли ёр ёки мўътабар она, балки жамиятда ўз ўрнига эга етук мутахассис, адолатли раҳбар ҳамдир.

Ўз сафида айнан шундай фазилат ва хусусиятларга эга кўплаб хотин-қизларни жамлаб олган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастурида истиқлол йилларида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини юксалтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан

бирига айлангани, партия хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш тарафдори эканлиги алоҳида таъкидланади.

2 ➤

Сессияга масала киритилди:

Энг намунали турар-жойлар тарғиб қилинади

... ўтган йилларда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда куз-қиш мавсумига пухта ва ҳар томонлама тайёрланган, коммунал қарздорликни ўз муддатида тугатиш бўйича амалий ҳаракатларни олиб бораётган кўп қаватли уйларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг намунавий тажрибасини кенг ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда қўллаш мақсадида Тошкент вилоятидаги кўп қаватли турар-жойлар ўртасида аънаввий “Энг намунали турар-жой” кўрик-танловини ўтказиш тавсия этилди.

5 ➤

“ОБУНА — 2014”

Қадрли юртдошлар! Азиз муштарийлар! “Adolat” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2014 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна бўлинг!

“Adolat”нинг нашр индекси — 100

“Adolat” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Нигоҳ

Ташаббускор, оқила ва иқтидорли аёллар танлови

Давоми. Бошқ 1-бўғда

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш масаласи давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Хусусан, "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонлари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокчини ошириш гарови бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бу йўналишдаги фаолиятини аниқ мақсадга қаратилган йирик лойиҳалар орқали амалга ошириб келмоқда. Аёллар, ёшлар ва электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар, шубҳасиз, партиянинг жамоатчилик орасидаги нуфузини, обрў-эътиборини оширишга хизмат қилаётди. Партиянинг "Аёллар қаноти" Кенгаши фаоллари ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Партиянинг оқила аёли" кўрик-танловини ҳам шундай лойиҳалар сирасига киритиш мумкин.

Ушбу танлов Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, ташаббусларини рағбатлантиришга, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилик борасидаги билимларини юксалтиришга, республикамизнинг олис қишлоқларидаги аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ишига ҳисса қўшади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" кенгаши раҳбари, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Зухра Ботирова. — Мана икки йилдирки, ушбу кўрик-танлов нафақат хотин-қизлар, балки барча партия аъзоларини янада жипслаштиришга, фаоллаштиришга ёрдам бермоқда десак, муболаға бўлмайди. Урни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сафидаги хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини ошириш борасидаги аёлларнинг бирмунча яшилди.

Пойтахтимиздаги — "Азия Тошкент" меҳмонхонасида мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.



Республиканинг барча вилоят ҳамда Тошкент шаҳри босқичларида ғолибликни кўлга кiritган 14 нафар партиядош хотин-қизлар "Тегишли ҳужжатларни тақдим этиш" (альбомлар, слайд, диск, нашр қилинган мақолалар, тавсифнома каби), "Ўз-ўзини таништириш", "Савол-жавоблар" ва "Эркин мавзу" шартлари асосида беллашишди.

Кўрик-танловнинг жорий йилги босқичларида ҳам чинакам билимдон ва оқила хотин-қизлар саралаб олинди. Унинг туман ва шаҳар босқичлари партия ҳудудий ташкилотлари томонидан юқори савияда ўтказилди. Туман ва шаҳар босқичларидан муваффақиятли ўтиб, ғолибликни кўлга кiritган аёллар танловнинг вилоят босқичида иштирок этдилар. Худудий босқичлардан мингдан ортиқ аёллар ўзларнинг интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида ёшлар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Биргина сайлов жараёнида парламент ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратилишининг қонун билан мустаҳкамланиши аёлларнинг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини оширди. Кўрик-танловнинг якуний босқичи юртимизнинг энг азиз ва муқаддас байрамларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги байрами арафасида ўтказилиши эса тадбирнинг даражасини, мавқеини янада оширади. Зеро, Асосий Қомусимизда давлатимизда хотин-

қизларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланиши белгиланган. Иштирокчилар тадбир давомида ўзларнинг вилоят ёки шаҳарлари тарихи, бугуни ва жойларда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапириб беришди. "Савол-жавоблар" шартида эса талабгорларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари синалди. Йиғилган томошабинларнинг қизиқиши ва иштиёқи янада ошишига сабаб бўлган сўнгги шартда ном-



зодлар ўз касбий фаолияти ва кеңираётган турмуш тарзи, урф-одатларимизга ҳамоҳанг равишда бадиий чиқишларни намойён этишди. Андижонлик иштирокчи Меҳринисо Қариомованинг маромида айтилган "она алласи", бухоролик Шохидда Умарованинг "бухороча" рақси, жиззахлик ва наманган-

лик Дилдора Жўраева ва Шахноза Шайбаеваларнинг шарқона тавозе билан миллий рақсини ижро этиши, навойийлик Гавҳар Қурбонниёзованинг газалнавислиги, қорақалпоқлик Гулайим Бекбергенованинг дилтортар қорақалпоқча кўшиги, қашқадарёлик Саодат Абдуллаеванинг Ўзбекистон мадҳиясини инглиз тилида ижро этиши, Дилбар Азизованинг ўзбекхона самимийликка йўғрилган "сурхонча" рақси, самарқандлик Дилбар Бобоеванинг фалсафага бой ривоятни муголаза қилиши, хоразмлик Майсара Худойбергенованинг шўх-шаддод "Лазги"си, фарғоналик Моҳира Сиддиқованинг партияга бағишланган шеъри, Тошкент вилоятининг "оқила аёли" Феруза Жумаеванинг "Тошкентнома" қасида-сию ўз шогирдлари — гимнастикчи қизлар ёрдамидаги чиқиши тадбир меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган танловда фахрли биринчи ўринни — Фарғона вилояти партия кенгаши аъзоси Моҳира Сиддиқова, иккинчи ўринни — Самарқанд вилояти партия кенгаши аъзоси Дилбар Бобоева, учинчи ўринни — Тошкент вилояти партия кенгаши аъзоси Феруза Жумаевалар кўлга кiritди. Шунингдек, танлов жараёнида иккита рағбатлантирилувчи номинацияга асос солинди ва "Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" номинациясида Тошкент шаҳар партия кенгаши "оқила аёли", "Энг фаол миллий урф-одат, маънавият тарғиботчиси" номинациясида Сурхондарё вилояти партия кенгаши "оқила аёли"га махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Аёлларнинг фаоллигини кўллайдиган, соғлиқни сақлаш соҳаси, таълим тизимини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшадиган партияга аъзо эканлигимдан бахтиёрман, — дейди фахрий биринчи ўрин соҳибаси Моҳира Сиддиқова. — "Партиянинг оқила аёли — 2013" кўрик-танловига ўхшаш тадбирлар ёрдамида қанчадан-қанча опа-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий-сиёсий дунёқарashi даражаси ва қолаверса, партияимиз электорати сони янада ортади, деб ҳисоблайман. Қолаверса, мазкур лойиҳа партияимиз сафидаги аёлларнинг ҳар томонлама билимли ва етакчи бўлиши, қонунлар, Президент асарлари, нутқлари ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилишда аёллар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Бу каби юқори даражадаги танловда етакчи ўрин эгаллаш эмас, қатнашининг ўзи биз, иштирокчилар учун муҳим аҳамият касб этади, — дейди жиззахлик иштирокчи Дилдора Жўраева. — Шу би-


лан бирга, республикамизнинг барча ҳудудий партия ташкилотларидан келган партиядошларимиз билан яқиндан танишиб, улар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик. Мазкур танлов мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— "Партиянинг оқила аёли" кўрик-танлови партияимизнинг ғоя ва мақсадлари юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам тарғиб этилишида муҳим аҳамият касб этаётди. Танлов партияимиз аъзолари орасидан ижтимоий-сиёсий фаол аёлларни кашф этмоқда. Улар партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда ўзларнинг ҳақиқий сиёсий етакчилиги қобилиятларини намойён қилмоқдалар, — дейди партиянинг Ёшлар ва аёллар билан ишлаш бўлими мудири Муҳаррам Дадахўжаева. — Танловнинг нуфузи ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Дастлабки пайтларда танловда тажриба-сизлик кузатилган бўлса, бугун улар орасида олимлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, Зулфия мукофоти совриндорлари бор. Минглаб аёллар ичидан ғолиб чиққан иштирокчилар бор билим ва иқтидорини вилоят хотин-қизларининг вакили сифатида намойён қилдилар. Бизда эса бу аёлларнинг билимларини синовдан ўтказиш, партияимиз аёлларининг фаоллиги хусусида аниқ хулосага келиш имконияти тугилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўзига хос байрамга айланиб кетган мазкур кўрик-танлов бугунги замон аёли нафақат оила ва фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган инсон сифатида, балки уларни ижтимоий-сиёсий фаол, оқила, ташаббускор ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга аёл бўлишга чорловчи тадбирлардан бири бўлди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Суратда: танловнинг фаол иштирокчиси, «Adolat» газетаси мухбири Феруза Жўраева.



Сиёсий саводхон ёшлар

юртимизнинг буюк келажакдан дарак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилinganлигининг 21 йиллигига бағишлаб ёшлар ўртасида ўтказилган «Парламентаризм билимдони — 2013» йиллик он-лайн танлов-викторинаси иштирокчиларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, БМТ Тараққиёт дастури, вазирликлар ва идораларнинг ходимлари, танлов ғолиблари ва совриндорлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. «Парламент билимдони» ёшлар он-лайн танлови ташкил этилишидан асосий мақсад ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, билими ва онгини оширишга қўмаклашиш, қонунлар моҳиятини тушунтириш, мустаҳкам ҳаётий нуқтаи назар ҳамда маслаҳат шакллантиришдан иборатдир. Танлов БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ахборот кўмағида ўтказилди.

Танлов доирасида ҳар ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайтыда ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Қонунчилик палатаси ва депутатлар бирлашмаларининг фаолияти билан таништириш мақсадида экскурсия ташкил этилди ҳамда Муҳимий номидаги мусикали драма театрида танлов ғолиблари шарафига маданий дастур уюштирилди.

Тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар он-лайн тартибида


ўтказилаётган танлов иштирокчиларининг сони ноябрь ойининг охирига келиб қарийб 6 минг нафардан ошганлиги, бу эса 2012 йилга нисбатан 1,5 баравар кўп эканлиги тадбирга қизиқиш ортиб бораётганлигининг исботи эканини эътироф этишди.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими (мактаблар, лицейлар, коллежлар) ва олий таълим муассасаларида (институтлар, университетлар, академиялар) таҳсил олаётган ёшларнинг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

100 баллдан ортиқ балл тўплаган танлов иштирокчилари, Ўзбекистон Қасба уюшмалари Федерацияси, сиёсий партиялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Халқ таълими вазирлигининг рағбатлантирувчи совғалари топширилди. Тантанали тадбир сўнггида иштирокчиларни Қонунчилик палатасининг фаолияти билан таништириш мақсадида экскурсия ташкил этилди ҳамда Муҳимий номидаги мусикали драма театрида танлов ғолиблари шарафига маданий дастур уюштирилди.

Ўз мухбиримиз






XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки
жамоаси мамлакатимиз аҳолисини
Конституциямизнинг 21 йиллиги билан табриклайди!

**Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва хотиржамлик,
юртимиз равнақи йўлидаги хизматларингизга
улкан зафарлар тилайди!**



Доим Сиз билан бирга!



Г.Н.Мамадалиев (O'ZA)

Адолат ва қонун устуворлигининг мустаҳкам пойдевори

Давоми. Бошқ. 1-Бетдан

Мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ичида инсон ҳуқуқи ва манфаатлари, эркинликлари масалалари ва уларнинг ечими борасида ўзининг аниқ позициясини билдирган сиёсий партия Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидир. Партия адолатлилик ва қонун устуворлиги ғояларини илгари суриш билан бирга, ўз сайловолди платформасида бир қатор муҳим вазифаларни ҳам белгилаб олган.

Партия инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўзининг ижтимоий шериклари билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятига эга ташаббусларни рўйб-га чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Бу борада партия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Экологик ҳаракат, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам партиянинг дастурий вазифаларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш, шубҳасиз, партиянинг сиёсий майдонда янада фаолроқ иштирок этишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқро андозаларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган ҳуқуқий асослар **биринчидан**, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги билан бир қаторда, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини белгилаб берди; **иккинчидан**, сиёсий партияларнинг кенг қўламада ижтимоий-сиёсий фаолият юртишини таъминлади; **учинчидан**, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мановити, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолиятининг самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам тарихий, ҳам концептуал аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Мазкур ташаббуснинг амалга ошиши натижасида 2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу қонун сиёсий партиялар фаолиятини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимиятига нисбатан таъсирини кучайтирди.

Ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчил ҳаётга татбиқ этилиб, жамият ва давлат ҳаётида парламентнинг ваколатлари ва ижро ҳокимияти устидан назорат функцияси кенгайтириш, сиёсий партияларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакат тақдирига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга, бутун бошли ижро ҳокимияти тизими вертикалига таъсир қилиши имконияти кескин ошишига имкон яратилди.

Сиёсий партиялар бир томондан парламент куйи палатасида фракциялари орқали ҳуқуқат фаолиятини назорат қилиш имконига эга бўлсалар, иккинчи томондан, ҳуқуқат олиб бораётган сиёсат учун сиёсий масъулиятни, керак бўлса жавобгарликни зиммаларига олишларини ҳам тақозо этади. Бу шуни англатадики, сайловолди дастури ақсарият сайловчилар ишончини қозонган сиёсий партия парламент куйи палатасида кўпчилик ўринини эгаллаганидан сўнг, мазкур электорат қўлаб-қувватлаган дастурини Бош вазир номзодини тақлиф қилиш орқали амалга ошириши, Бош вазирни тақлиф этгандан сўнг эса олиб бораётган ишлар учун биргаликда масъулиятни зиммасига олишини ҳам назарда тутди.

Демак, сиёсий партияларга ҳам давлат ва халқ томонидан жуда муҳим масъулият юкланиши билан бир пайтда сиёсий партиянинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига нисбатан имконият ҳам яратилиб берилмоқда. Шу боис, биз фақат сайловлар олдида фаол, бошқа вақтда лоқайд бўлиб қолмаслигимиз керак, мунтазам равишда фуқароларнинг ижтимоий турмуш тарзи, сиёсий онгининг ривожланишига мувофиқ тарзда халқ манфаатларини давлат сиёсати даражасида ифода этишининг усул ҳамда стратегияларини такомиллаштириб боришимиз талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустақам бир ҳимоя, қонун олдида ҳаммининг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу сабабли Асосий Қонуниимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддасининг мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган илғор ғояларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш каби вазифалар ҳам партияимизнинг барча даражадаги бўғинлари зиммасидаги масъулиятни оширади.

Алшпер АҚРОМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати

1992 йилнинг 8 декабрида мустақил мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, деб белгиланди. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзу-умидлари ҳамда бугунги бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунига тўла мос келади. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни, ҳар бир кишига дахлдор ҳуқуқ ва бурчларни ўзида мужассам этади.

Мана, йигирма бир йилдирки, олдимизга қўйилган улғур вазифаларни амалга ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти билан бирга, ижтимоий адолатни қарор топтиришда Конституция йўлимизни машъаладек ёритиб келмоқда. Орадан ўтган йигирма бир йил ичида кечган умримиз, эришган муваффақиятларимиз, қозонган галабаларимиз, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги обрў-эътибори, халқро май-дондаги баланд нуфузи шу буюк қомусий ҳужжат — Конституция билан бевосита боғлиқ.

Дарҳақиқат, Конституциямиз ҳар томонлама мукамаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловини амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини соҳа ислохотлари жараёнида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий Қонуни-

ян чоралар кўрилди. Мисол учун, 1993 йилда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун одил судловини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, суд мустақиллигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. 2000 йилда ушбу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унга кўра, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди.

Жиноят-процессуал қонунчиликка апелляция институти киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур институт суднинг қонуний қучга кирмаган ҳукми-

«Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 112-модда

мизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Бу эса амалиётда одил судловни холис, юқори савияда амалга ошириш имконини бермоқда. Конституцияимизнинг 112-моддасида ҳам шунга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади», деб белгилаб қўйилган.

Конституцияимизда, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибининг соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчилигини мизни дунё стандартлари, халқро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга қаратилган муай-

лар устидан берилган шикоят, протестларни тўлиқ текшириш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўришга юбормасдан, йўл қўйилган камчиликни тузатиш, процессуал қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш, ҳукмини тўлдириб, ўзгартириш қолдириш ёки суд ҳукмини бекор қилиб, қонуний асослар мавжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди. Ўтган йиллар давомида юзлаб жиноят ишлари белгиланган муддатларда ҳал қилиниб, қонуний тўхтамга келишга эришилганлиги ҳам бу институт нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Конституция нормалари асосида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутди. Унга кўра, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркекларга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш тартиқсидидаги жазо ту-

рининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқариб ташланди.

Асосий Қонуниимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизими ислохотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Бу янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий ҳафти катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабранувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур дастуриламал ҳужжат асосида ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу қонун билан «Процедура тўғрисида»ги ва «Судлар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Ҳужуқлик процессуал кодексларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпусу» институтини қўллаш амалиётини кенгайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада рўйбга чиқарилаётган ислохотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳужуқлик судида тайёргарлари тўла таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий Қонуниимиз туб замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-уйларини рўйбга чиқариш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдек улғувор максаллар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўларок, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий Қонуниимиз туб замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-уйларини рўйбга чиқариш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдек улғувор максаллар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Худоёр МАМАТОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи

Ахборот технологиялари соҳаси ривожини

аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларининг очиқлиги ва тезкорлиги гаровидир

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик субъектларига интерактив давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳолати ва истиқболлари: муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатини ташкил этишдан асосий мақсад — мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусан, «электрон ҳуқуқат» тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерфакт давлат хизматлари кўрсатилишининг электрон шакллари жорий этиш, интернет тармоғида миллий веб-ресурсларини яратишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ҳамда аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган иборатдир.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда телекоммуникация соҳасини ривожлантириш ва жамиятни ахборотлаштиришга қаратилган тадбирий ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий базанинг мавжуд эканлиги ҳамда соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган қатор дастур ва комплекс чора-тадбирлар тўғрисида замонавий ахборот инфраструктураси, шунингдек, маълумотлар узатишининг кўп сонли локал ва корпоратив тармоқлари яратилди. Интер-

нет тармоғининг миллий сегменти фаол ривожланмоқда.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 98 фоизи интернет тармоғида ўз расмий веб-сайтларига эга. 195 та давлат ахборот ресурслари рўйхатга олинган бўлиб, 197 турдаги давлат интерактив хизматлари тақдим этилмоқда. Ягона ҳимояланган электрон почтаси ва электрон ҳужжат айланиш тизимига эса 127 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, 194 та туман ва шаҳар ҳокимликлари уланган. Солиқ ҳисоботларини электрон шаклда топшираётган тадбиркорлик субъектларининг улуши 89 фоизга, статистик ҳисоботлар бўйича эса — 86 фоизга етди. Шу кунгача 48 мингдан зиёд юк божхона декларациялари электрон шаклда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасига виза олиш учун чет эл фуқаролари томонидан электрон шаклда берилган аризалар улуши тақдим этилган ҳужжатлар уму-

мий сонининг 86 фоизини ташкил этади. Давлат интерактив хизматларининг ягона портали орқали 3,5 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг мурожаатлари тушган.

Давра суҳбатида шунингдек, ягона давлат интерактив портали орқали интерактив хизматлар кўрсатиш, «электрон ҳуқуқат» тизимининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратиш, ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари функциялари ва хизматларига оид ахборотлардан эркин фойдалана олиш, интерактив хизматларнинг интеграллашган ягона нуктаси орқали сўровларни расмийлаштириш, «Электрон ҳуқуқат тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилган интерактив давлат хизматларини кўрсатиш тартиблари каби долзарб масалалар ҳам кенг муҳокама қилинди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?

Термизда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сўзхондарё вилояти кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида билимлар беллашуви ташкил этилди. Тадбирда ўқувчи-ёшлар, «Еш адолатчилар» ва «Қамолот» ЕИХ фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Унда турли фан йўналишлари бўйича таҳсил олаётган ёшлар жамоаларга бўлинган ҳолда ҳуқуқий билимлари бўйича ўзаро беллашилди.

Иштирокчиларнинг Конституция ҳақидаги билимлари, зукколиги ҳамда ижрочилик маҳорати, нотиклик санъати ва бошқа қобилиятлари бўйича чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон «Адолат» СДП Сўзхондарё вилояти кенгаши ҳамда «Қамолот» ЕИХ вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдаллик совғалари билан тақдирландилар.

Райхон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сўзхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби



Иқтисодий таракқиёт таянчи

Депутат минбари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция сибсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда замонавий, юқори технологияли асбоб-ускуна ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорларида рақобатбардор маҳсулотларни кенг кўламли ишлаб чиқариш, экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларда хорижий инвестициялар иштирокини таъминлаш, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга кенг эътибор қаратилмоқда.

"Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Президентимизнинг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони ушбу мақсадларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ангрен» махсус индустриал зонасининг келажакда ҳудудлар ривожланишини оптимallasштириш, замонавий логистика тизими ва транспорт инфратузилмасини яратишдаги аҳамияти ва роли» мавзусидаги давра суҳбатига ҳам ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит, хусусан, имтиёз ва преференциялар тизими ҳамда инфратузилма яратилганлиги, ана шу мақсадда Президентимизнинг юқоридаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан қарори қабул қилиниши натижасида махсус индустриал зонага маҳаллий ва хорижий ҳамкорларнинг сармоя киритиш борасидаги қизиқишлари кундан-кунга ортиб бораётганлиги кузатиш мумкин.

Бугунги кунда «Ангрен» мах-

сус индустриал зонасида замонавий, экспортга йўналтирилган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, мавжуд корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга қаратилган 22 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланган. Хусусан, 2013 йилда қиймати 216,0 млн. АҚШ долларига тенг 11 та лойиҳа якунига етказилиб, ишга туширилиши кўзда тутилган.

Хозирги кунда бир қатор инвестиция лойиҳалари асосида қурилиш ишлари бажарилаётир. Жумладан, лойиҳа қиймати 108,5 млн. АҚШ долларига тенг, кунига 1000 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга завод, лойиҳа қиймати 15,0 млн. АҚШ долларига тенг, ишлатилган техник мойларни қайта ишлаш заводи, лойиҳа қиймати 35,8 млн. АҚШ долларига тенг турли хил ўлчамдаги мис трубаларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод, мамлакат аҳолисининг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида лойиҳа қиймати 3,1 млн. АҚШ долларига тенг брикет ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар барпо этилиши шулар жумласидандир.

Давра суҳбати иштирокчилари Президентимизнинг тегишли фармони асосида киритилган сармоянинг миқдорига қараб бир неча йилларга корхоналарнинг юридик шахслардан олинандиган фойда солигидан, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва ай-

рим божхона тўловларидан озод қилиниши белгиланганлиги «Ангрен» МИЗга хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни кенг жалб этишда муҳим роль ўйнаётганини эътироф этдилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, инвестиция лойиҳаларининг айримларини рўёбга чиқариш жараёнида Ангрен ва Охангарон шаҳарларида узунлиги 43 километрдан ортиқ янги автомобиль йўлларини барпо этиш ва таъмирлаш 21,4 км. сув, 4,2 км. канализация қувурларини ётқизиш ва реконструкция қилиш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ тармоқларини ишга тушириш режалаштирилган.

Шунинг ҳам қайд этиш зарурки, «Ангрен» махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган ишлар натижасида хомаш ва табиий ресурсларни чуқур қайта ишлашни таъминлашни кўзда тутувчи юқори қўшимча қийматга эга бўлган санаят маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Бунинг ҳисобидан республикаимизда 2013-2015 йилларда санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўртача йиллик ҳажми 110-112 фоизга, санаят ишлаб чиқариш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 28 фоизга, умумий санаят ишлаб чиқариш ҳажмидаги санаят маҳсулотлари экспортини 63,2 фоизгача ўсишини таъминлашга эришилади.

Йиғилишда депутатлар ва иштирокчилар томонидан «Ангрен» махсус индустриал зонасини ташкил қилишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бунда давлат ва хўжалик органлари, тадбиркорларнинг феоли иштирокини кенгайтириш, мутасадди ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, махсус индустриал зонасини ташкил этиш борасида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Замонавий технологиялар хизматда

Фуқаро муҳофазаси

Шиддат билан ривожланиб бораётган осри- мизда инсон ақл-заковати туфайли мисли кўрилмаган техника ва технологиялар вужудга келмоқда.

Объектлар ва фуқароларнинг шахсий мулкларини қўриқлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологияларнинг ўрни беқиёс. Хозирда эскириб қолган технологиялардан воз кечиш ва замонавий қўриқлаш технологияларини жорий қилиш Ички ишлар вазирлиги тизимларида жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасининг «UNICON.uz» давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ҳузуридаги «Қўриқлаш» хизма-

тида техник қўриқлаш йўналишини автоматлаштирилган марказий кузатув ва техник қўриқлаш пунктларида хабар узатиш тармоғини яратиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тўғрисидаги Концепция ишлаб чиқилди. Айни кунларда мазкур концепцияда белгиланган чора-тадбирлар жадаллик билан амалиётга жорий этилмоқда.

Мавжуд техник қўриқлаш пулларининг замонавий жиҳозланиши фуқаролар хонадонлари, давлат ва хусусий объектларнинг ишончли қўриқланишини амалга ошириш, объектларда талон-тарожиликка йўл қўймайди, содир этилган жиноятни ўз вақтида аниқ-

Аллубек ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ҳузуридаги «Қўриқлаш»
бирлашмаси бошлигининг
ўринбосари, полковник

Солиқ қонунчилиги такомиллашади

Давоми. Бошқа 1-бетда

Бу эса солиқ соҳаси билан боғлиқ амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритишни талаб этади. Айни шу мақсадда «Солиқ ва бюджет сибсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкани пасайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгаришлар киритилмоқда ва айрим нормалар аниқлаштирилмоқда.

Маълумки, хозирда юридик шахслар учун мол-мулк солигининг солиқ солиш базасида фойдаланиш мuddати 5 йил бўлган янги технология жиҳозлар бўйича солиқ чегирмалари мавжуд. Энди 2014 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш жараёнини янада рағбатлантириш ҳамда асбоб-ускуналарнинг амортизацияси ҳисобга олинган ҳолда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан 10 йилдан кўп бўлмаган даврда ишлатиб келинадиган машина ва асбоб-ускуналарни қиқариб ташлаш белгиланмоқда. Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 269-моддасига солиқ юкани пасай-

тиришни назарда тутувчи тегишли ўзгариш киритилмоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида муайян қўшимча маблағ қолишини таъминлаши билан аҳамиятлидир.

Солиқ кодексига киритилаётган ўзгаришлардан яна бири бу юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорликни амалга оширувчилар учун солиққа тортишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш кераки, ўтган йилдан бошлаб ҳаётга татбиқ этилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмаган тарзда олиб борилиши белгиланган. Амалиётда юридик шахс ташкил этмасдан туриб оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда оила аъзоларини солиққа тортиш борасида айрим ноаниқликлар юзага келмоқда. Айни шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Солиқ кодексининг 305, 311 ва 370-моддаларида юридик шахс сифатида тузилмаган оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари учун сугурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар акс эттирилмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун солиқ юкани камайтириш ва ҳисоб-китобларни соддалаштириш йўналишидаги ўзгариш ва қўшимчалар Солиқ кодексининг 312, 316, 349 ва 363-моддаларида ўз ифодасини топ-

моқда. Масалан, ягона ер солигини тўловчи корхоналарни давлат мақсадида жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўламаслигининг белгиланаётгани шулар жумласидандир. Хозирги амалиётга кўра, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи билан бир қаторда, соф тушумнинг 1,6 фоизини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 1,4 фоизини Республика йўл жамғармасига, 0,5 фоизини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратма сифатида тўлайдилар. Қўриқиб турибдики, бундай тўловлардан озод этишни белгиловчи ҳуқуқий норма муайян миқдордаги маблағнинг мазкур хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолишини таъминлайди.

Солиқ кодексига киритилаётган бошқа ўзгариш корхоналарнинг молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш ва уларни асосий равишда банкротликка олиб келиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида қаратилган бўлиб, тегишли текшириш натижалари бўйича тушумни яширганлик ҳолатлари аниқланганда, яширилган ёки камайтириб кўрсатилган тушумнинг 20 фоизи миқдорда жарима қўллаш ва ушбу тушум суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир белгиланаётган ўзгариш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа

мажбурий тўловлар суммасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисобварақларига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхасини давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган тақдирда бажарилган, деб ҳисобланиши билан боғлиқ. Ушбу тартибнинг жорий этилиши натижасида солиқ тўловчиларга ортқича пенялар ҳисобланиши ва ноаниқ таъсир чораларини қўллашнинг олди олинади.

Солиқ кодексининг яна бир нечта моддасида ўз ифодасини топаётган қўшимча ва ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг мол-мулк реализациядан олинган даромадларига солиқ солиш тартибини ҳамда халқаро шартнома нормаларини муस्ताқил равишда қўллаш ҳуқуқини бериши билан аҳамиятлидир. Бундай тартиб иккиёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисидаги халқаро шартнома нормаларини қўллашнинг соддалаштирилишига имкон беради.


Умуман, Солиқ кодексига киритилаётган шу каби қатор ўзгариш ва қўшимчалардан кўзда тутилган асосий мақсад ушбу кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини янада такомиллаштиришдан ҳамда солиқ сибсати концепциясида белгиланган вазифалар рўйи учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мавлуда НИШОНОВА,
Тўлқин АБДУСАТТОВОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзолари

Муқобил энергия асри

Давоми. Бошқа 1-бетда

Жумладан, охириги ўн йилликда аҳоли яшаш уйларида, ижтимоий объектларда гелиоситгичли иссиқ сув манбаларидан, қуёш сув иситгичларидан унумли фойдаланилиб келинмоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, Фарғона водийсида иссиқ сув этказиб берувчи гелиоқурилмалар ўрнатилган. Шу билан бир пайтнинг ўзида мамлакатимиз олимлари томонидан фото-электрик ўзгаришчиларни яратиш технологияси яхши ўрганилибгина қолмай, балки замонамизнинг илғор мутахассислари, муҳандислари томонидан турли қувватга эга бўлган фотоэлектрик станциялар қуриш, уларни монтаж қилиш ва амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлишган. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ичидан шундай ускуналар билан эътиборини ушбу масалага қаратган. Кўп йиллардан бери Фарғона политехника институти, Фарғона Давлат университети олимлари томонидан санаб ўтилган соҳалар бўйича изланишлар олиб борилмоқда ва салмоқли натижаларга эришилган. Хозирда эса шундай



рилади. Мана энди уларни қурилмаларига ўрнатиб, ишла- тиш жараёнида назорат олиб борадилар. Бу жиҳозлар сув чиқариш насослари, дала ший- поллари, чўпонлар, аҳоли уйлари учун, умуман олганда, қаерда энергия муаммоси бўлса, уни ҳал этиш учун жуда зарурдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Адолат» СДП Фарғона вилояти кенгаши ва шаҳар кенгаши аъзоларининг савъ-ҳаракатлари билан муқо-

ратор ҳудудларида муқобил энергия манбалари қўлланила бошланди. Уларни амалга оширишда политехника институти олимларидан профессор Сирожиiddин Эргашев, доцентлар Султонали Абдураҳмонов, Шавкат Қосимов, Тўхтасин Бўтаев, Лола Мамадалиева, аспирант ва магистрантлар Умиджон Тожибоев, Мухтасар Нўмоновларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хозирда институтнинг тажриба майдонига қуёш мини-электростанцияси, 500 ваттли шамол генератори ишлатмоқда, биогаз олиш ускунаси ўрнатилмоқда. Вертикал ўқда айланувчи шамол генератори конструкцияси устида марҳум олим Собир Исмоилов томонидан олиб борилган иш якунига етказилиб, ускуна таъмирдан чиқарилиш арасида.

Яратилган ишлар қозғаларда ёки илмий лабораторияларда қилиб кетмаётган, амалиётда татбиқ этилмоқда. Президентимизнинг нутқида билдирилган фикр-мулоҳаза ва кўрсатмалар эса бизни навбатдаги ютуқларга етаклаши шубҳасиз.

Анорахон ҚОСИМОХУНОВА,
Фарғона политехника институти профессори,
техника фанлари доктори,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фaoли

Энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш ҳаражати ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланандиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари ҳам партия диққат марказида бўлади.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловли дастуридан)

ускуналарни — қуёш, шамол мини-электростанцияларини ҳам яратиб, амалда синашга ўтилган. Войдида биринчилардан бўлиб мазкур соҳада иш юритишга жазм қилган «Марғилон мезастрой» МЧЖ жамоаси АҚШ, Канада ва Россия давлатларининг йирик корхоналари билан шартномалар тузган. Шартнома асосида сифатли жиҳозлар этказиб бе-

бил энергияни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, Фарғона санаят коллежи директори, «Адолат» СДП аъзоси Беҳзод Мамажонов ўқув-лабораториясидаги компьютер жамламаларининг электр таъминотини амалга ошириш учун ўрнатган қуёш мини-электростанцияси хозирги кунда самарали ишлатилмоқда. Вилоятимизнинг бир

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Сессияга масала киритилди:

Энг намунали турар-жойлар тарғиб қилинади

Депутатлик гуруҳларида

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан кун тартибига киритилган «Тошкент вилоятидаги кўп қаватли турар-жойлар ўртасида аънанавий «Энг намунали турар-жой» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Сессияда киритилган масала ҳамда доимий комиссиялар фаолиятини кучайтиришга оид чора-тадбирлар режаси ҳақида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси З.Эралиевнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, халқ депутатлари вилояти Кенгаши ва Чирчиқ шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб кўтарилган ушбу масалани тайёрлаш жараёнида вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг иштироки таҳлил этилди. Унга кўра, ўтган йилларда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда куз-қиш мавсумига пухта ва ҳар томонлама тайёрланган, коммунал қарздорлиқни ўз муддатда тўлатиш бўйича амалий ҳаракатларни олиб бораётган кўп қаватли уйлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг намунавий тажрибасини кенг ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда қўллаш мақсадида Тошкент вилоятидаги кўп қаватли турар-жойлар ўртасида аънанавий «Энг намунали турар-жой» кўрик-танловини ўтказиш тавсия этилди.

Масала дастлаб халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ижтимоий-маданий

ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия мажлисида кўриб чиқилиб, аъзолар томонидан қўллаб-қувватланди. Сўнг қарор лойиҳаси ва унинг асосида ишлаб чиқилган низоом лойиҳаси халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилди. Сессияда «Тошкент вилоятидаги кўп қаватли турар-жойлар ўртасида аънанавий «Энг намунали турар-жой» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарор ва намунавий низоом қабул қилинди.

Кўрик-танловнинг мақсади кўп қаватли турар-жойда истиқомат қилувчи фуқароларни коммунал муаммоларни тўлатиш бўйича масъулиятини ошириш ва кўп қаватли турар-жойларни намунали даражага чиқаришдан иборат.

Мазкур ташаббуснинг партиянинг депутатлик гуруҳи томонидан илгари сурилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам партиянинг уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш тарафдори эканлиги белгиланган.

Азиза ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти кенгаши
матбуот котиби



Келажагимиз эгалари камолотига асос

«Ёш адолатчилар» қаноти

Ёшлар жамиятининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли ворисларидир. Бугунги давр ёшларнинг билим даражаси, дунёқароши, ўй-фикри, маънавий кифёсига қараб жамиятнинг эртанги кунини билиши мумкин.

Ҳар қандай жамият тараққиёти шаклланиши бевосита кенг қамровли ислохотларнинг моҳиятини ҳамда дунёда юз бераётган воқеаларни идрок этувчи ёшларни тарбиялаш жараёни билан боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида бевосита Юртбошимиз раҳбарлигида ёшлар камолотига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланди. Барча соҳалар сингари таълим тизими ҳам тубдан ислох қилинди. Хусусан, халқимизнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлари асосида замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосланган кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими яратилди. Ҳуқуқшунослар тили билан айтганда, Конституция қабул қилинган

дан буён ўтган йигирма бир йил давомида айнан баркамол авлод вакиллари бевосита дахлдор 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та Фармони, бир қанча меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани бу борада амалга оширилган ишлар нақадар салмоқли эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши томонидан ана шу қарор ва фармонларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, вилоят ёшларининг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтириш, Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилиятини янада юксалтириш борасида



БПТлар сони кўпайди

Партия таянчи

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мақсад ва вазифаларини кенг оммага тарғиб этишда жойлардаги партиядошларимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Янгириқлик «адолат»чиларнинг ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, партия дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этиш, ўз сафларини фаол аъзолар ҳисобидан оширишга қаратаётган эътиборлари, янгидан-янги ташаббусларни кўтариб чиқаётганликлари ўз самарасини бермоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Янгириқ туманидаги бошланғич партия ташкилотлари сони яна биттага кўпайди. Тумандаги «Таган» маҳалла фуқаролар йиғинида тузилган янги бошланғич ташкилот мақсадлари муштарак 20 нафар партиядошларни бирлаштирди.

Бошланғич ташкилот фаолларининг аҳоли саломатлиги, ёшлар таълим-тарбияси, хонадонларимиз тинч-тотувлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган тиббиёт ходимлари, педагоглар, маҳалла посбонлари каби эл орасида ҳурмат қозонган жонқур инсонлардан иборатлиги бизни янгидан-янги мақсадлар сари ундайди, — дейди БПТ етакчиси, «Таган» МФЙ маслаҳатчиси Дилором Қодирова. — Фаолларимизнинг бевосита халқ ичида эканликлари, элек-

торатимизни ўйлантираётган масалаларни яхши билишлари худудимиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз сафини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қуйи бўғиннинг дастлабки фаоллар йиғилишида сўзга чиққан партиянинг янги аъзолари Ҳ.Оллаберганаева, З.Зокиров, Ш.Зокировлар жамиятда қонун устуворлигига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, баркамол авлоднинг камол топтириш каби партия дастури ҳақидаги амалга оширишда, аввало, фаоллар ўзлари шахсий намуна кўрсатишлари лозимлиги, аҳоли орасида янада чуқурроқ кириб бориш ҳамда уларнинг социал-демократик ҳаётга ишончини оширишда фаоллик кўрсатишлари зарурлиги юзасидан

ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Албатта, туманда партиядошларимиз сафи кенгайиб бораётганлигининг бош омили бу халқ ишончи билан сайланган туман кенгаши депутатларининг самарали фаолияти десак, асло янглишмаган бўламиз, — дейди Янгириқ туман кенгаши раиси Б.Сапаева. — Чунки халқ депутатлари туман кенгашидаги 6 нафар депутатимиз ўз соҳасининг етуқ мутахассиси ва партияимиздан сайланган халқнинг ишончли вакили сифатида электроратимиз манфаати йўлида ибратли ишларни йўлга қўйишган. Қолаверса, бугун сафларимизда сиёсий жиҳатдан етуқ, партияимиз ҳаётининг яхши хабардор шижоатли, ўз мустақил фикрига эга ёшларимизнинг борлиги бизни қувонтиради. Бу эса барчамизни юртимиз равнақи, халқ фаровонлиги йўлида янада самарали фаолият юритишга ундайди.

Тадбир давомида БПТ аъзоларига «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда партия дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, тарғибот тадбирларининг таъсирчан, самарали бўлишини таъминлаш юзасидан ушбу ишга амалий тавсиялар берилди.

Иқболбой НИШОНБОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти кенгаши
матбуот котиби



йил давомида 50 дан зиёд семинар-тренинглр, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича устувор йўналишлар ҳисобланади, — дейди «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев. — Юртимизда ёш авлодга замонавий талаблар даражасида таълим тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Буни биргина вилоятимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Конституциямиз қабул

қилинган 21 йил давомида воҳамизда жами 79 та касб-хунар коллежлари барпо этилди. Унда таълим олаётган келажакимиз бунёдкорлари учун барча қулайликлар яратилган. Партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан одам савдоси, интернет тизимидаги ахлосиз сайтлар, экстремизм ёвуз мақсадлари, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари каби иллатларни бартараф этиш мавзуларида турли семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асослари, соғлом авлоднинг тарбиялаш, ёшларга давлат томонидан ғамхўрликни кучайтириш каби йўналишларда олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими масканларида етарлича ҳуқуқий база мавжуддир. Баркамол авлоднинг ҳуқуқ ва бурчлари қатор қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Adolat» мухбири

Байрам тадбирлари

Конституция — бахтимиз, эркимиз қомуси, ижтимоий адолат кафолати

Ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституцияда янги жамиятимизнинг бош ғояси — овоз ва обод Ватан, эркин ва фарован ҳаёт барпо этиш мақсади ўз ифодасини топган.

Ўтган йигирма бир йил ичида ҳаётимизда улкан тарихий эврилишлар содир бўлди. Чунки, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари шаклланди, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот соҳаси чуқур ислох қилинди, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принциплари қарор топди, ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини тўла намоён этиш, самарали меҳнат натижаларидан тўла баҳраманд бўлиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратиб берилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳаракат дастурида кўзда тутилган бу каби вазифалар босқичма-босқич амалга ошаётганида партияимиз аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Худудий партия ташкилотлари томонидан жойларда ўтказилаётган тадбирларда ана шу жиҳатлар намоён бўлмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши ва вилоят Адлия бош-

қармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ТАТУ Самарқанд филиали ректори А.Холжигитов таъкидлаганидек, эркинлик, тенглик, адолат, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг сайлов асосида вужудга келиши, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқаролар эркинликларини суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбисизлик презумцияси — буларнинг барча-барчаси демократиянинг энг муҳим белгилари бўлиб, демократик давлатлар конституцияларининг муҳим принципларини ташкил этади.

Тадбирда иштирок этган талаба-ёшлар ҳам Конституциямиз ва унинг асосида ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, илмий тадқиқот билан шуғулланишлари, ўз қобилият ва истеъдодларини эркин намоён этишлари учун яратилган шароитлардан манмун эканликларини ифода этишиб, кўтарилган мавзу юзасидан ўз фикр ва тавсияларини билдиришди.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Самарқанд вилояти кенгаши
матбуот котиби

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда Ховос туман кенгаши ҳамкорлигида Ховос темир йўли шифохонасида «Конституция — инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

Фуқароларимиз, айниқса, ёшлар орасида Бош Қомусимиз ва унинг асосида шаклланган қонунчилигимиз тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш, уларда қонунларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш биз депутатлар ва партия фаоллари олдида турган асосий вазифалардандир, — деди Ховос туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ф.Раимназаров. — Зеро, бу орқали партияимизнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга доир дастурий ғоясини амалга оширамиз.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қайси жамият олдида, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар қалби-

да Конституция ва қонунлар асосида яшаш дунёқарошини шакллантиришдек катта вазифа туришини таъкидладилар. Бош Қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган давр ичида унда белгиланган устувор иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ғоялар жамиятимиз ҳаётида босқичма-босқич ўзининг амалий ифодасини топаётганини эътироф этилди.

Тадбир якунида фаол иштирок этган партиядошларимизга Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

Асосий Қонунимизнинг 21 йиллик байрами олдидан Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши ва вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган конференция «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусига бағишланди.


Ҳамкорликда ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва нодавлат сектордаги корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш ва амалга оширилаётган ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билиши уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди Андижон вилояти партия кенгаши «Аёллар» қаноти раиси Малоҳатхон Мусаева. — Кейинги

йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиндики, бу аёлларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бирга, уларни янада фаолликка қақиради.

Тадбир якунида иштирокчилар мана шундай ошқоралик ва очиклик асосида ўтган тадбирлар соҳада олиб борилаётган ишларнинг истикболли йўналишларини белгилаб бериш баробарида фуқароларни фаолликка ундашини таъкидладилар.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти кенгаши
матбуот котиби



21 yil

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

она Ватанамиз ободлиги,
иқтисодиётимиз барқарорлиги,
турмушимиз фаровонлиги йўлида

меҳнат қилаётган
барча юртдошларимизни
мамлакатимизнинг

Асосий Қонуни —
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 21 йиллиги
билан табриклайди!

**Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо,
оиламиз фаровон,
дастурхонимиз тўкин бўлсин!**



Вилоят солномаси



Навий вилояти ҳокимлиги муассислигида чоп этиладиган "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари давлат корхонаси бугун республикамиздаги маҳаллий нашрлар орасида ўзининг мустақкам макеига эга.

Мана, 30 йилдирки, ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган ушбу газеталар вилоят кўзгуси сифатида худуд аҳлининг севишли нашрига айланган. Тахририятларда соҳа ривожига катта ҳисса қўшган забардаст журналистлар ва қатор йиллар раҳбарлик қилган Ҳамид Мўминов, Қосим Ҳасанов, Маҳмуд Мардиев, Улаш Нурманов, Игор Загоскин, Елизавета Андреева, Лидия Экономова, Олга Сашиналарнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

2010 йилда вилоят қалам аҳли кўпдан орзу қилган маскан — ўз матбуот уйига эга бўлди. Замонавий типдаги кўркам бино барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бинода "Дўстлик байроғи", "Знамя дружбы" газеталари тахририятдан ташқари Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлиmlлари, Алишер Навоий номидаги нашриёт иш олиб бормоқда. Тахририят қошида босмахона ташкил этилиб, газеталарни тўрт хил рангда чоп этиш имконини берувчи Хиндистонда ишлаб чиқарилган ИМПАКТА, шунингдек, кенг ҳаж-

мдаги баннерлар тайёрлайдиган ускуналар билан жиҳозлангани ҳам эътиборга молик. Энг асосийси, мана, бир неча йилдан буён вилоят газеталарининг адади 50 минг нусхадан ошяпти.

"Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари ташкил этилганига 30 йил тўлиши муносабати билан кенг қамровли тадбирлар ташкил этилди.

— Бугун юртимизда матбуот соҳасининг ривожига жиддий эътибор берилаятгани, олиб борилаётган ислохотлар ҳар биримизга катта масъулият юклайди, — дейди бош муҳаррир Дилшод Исмолов. — Ана шу масъулият аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришни, юзма-юз мулоқотлар уюштиришни талаб этмоқда. Газеталаримизнинг 30 йиллигига бағишлаб, кейинги бир неча ой давомида муштарийлар билан худудларда қатор учрашувлар ўтказилгани айна мудао бўлди.

Асосий байрам тадбири 30 ноябрь куни Навоий шаҳридаги "Фарход" маданият саройида ўтказилди. Унда вилоят жамоатчилигиндан ташқари республикамиз маркази ҳамда қўшни вилоятлардан меҳмонлар иштирок этди. Тантанادا вилоят ҳрқими Э.Турдимов қатнашиб, барчани байрам билан қутлади.

Холида ФАЙЗИЕВА

Reklama

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» MЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби томонидан Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ж.Обидова кўчаси, 7а-уй манзилидаги давлат рақами 01/167 ZAA бўлган, 1995 йилда и.ч., 3 975 750 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 31029 русумли, давлат рақами 01/159 ZAA бўлган, 1972 йилда и.ч., 2 404 688 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 24 русумли, давлат рақами 01/157 ZAA бўлган, 1974 йилда и.ч., 2 404 688 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 24 русумли, давлат рақами 01/163 ZAA бўлган, 1981 йилда и.ч., 4 702 500 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5204 русумли;

2. «MALIK SHAROB SAVDO» ИБУКнинг Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Тошкент кўчаси, 13-уй манзилидаги давлат рақами 20/055 САА бўлган 2006 йилда и.ч., 9 000 000 сўм бошланғич нархдаги Нексия GLE русумли;

3. «18-сон қурилиш корхоналари бирлашган дирекцияси» ДУКнинг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 17-уй манзилидаги давлат рақами 01/837 НВА бўлган 1996 йилда и.ч., 1 589 471 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 31029 русумли;

4. «TECHNOLOG METALIZ» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, Асака кўчаси, 52-уй манзилидаги давлат рақами 01 778 ОСА бўлган 1990 йилда и.ч., 912 132 сўм бошланғич нархдаги РАФ 2203 русумли, давлат рақами 01 017 DAA бўлган 1989 йилда и.ч., 1 954 116 сўм бошланғич нархдаги УАЗ 31512 русумли, давлат рақами 17-66 ЕК бўлган 1993 йилда и.ч., 9 800 116 сўм бошланғич нархдаги трактор Т-150 русумли, давлат рақами 11-07 ЕК бўлган 1989 йилда и.ч., 1 645 120 сўм бошланғич нархдаги прицеп 2ПТС-4-793 А русумли автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2014 йил 6 январь куни соат 11.00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг охиригача ҳар душанба кунлари соат 11.00 да бўлади. Аукцион яқунлари савдо, тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эъдон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (аризалар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.


Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.
Гувоҳнома №005424

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни,
соҳа ходимларини
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг
21 йиллиги байрами билан
муборакбод этади!*



**БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ СИЗ
АЗИЗЛАРНИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!**



Хурматли юртдошлар!

Сизни Конституция куни байрами билан табриклаймиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч,
юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган ишларингизга
ривож тилаймиз.



Ушбу маълумотлар 74-сонли лицензия билан берилган.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк (ОАЖ)



Сизларни яқинлашиб келаётган
Конституция куни билан табриклайди

ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:


«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навобий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

«Асака» банк – сармоянгни сақлашни ва қўлайлигини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

«Ўзтрансгаз» АК «ВОДИЙГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг **21 йиллиги** билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти ва равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган халқимизга

самимий ҳурмат ва эҳтиром изҳор этамиз.

Ушбу эзгу ишларингизда Сизларга мустақкам соғлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.



«ФАРҒОНА НЕФТЬ БАЗАСИ»

унитар корхонаси ва касаба
уюшмаси маъмурияти жамоаси

Мамлакатимиз аҳлини Бош Қомусимиз –

Конституциямизнинг **21 йиллиги**

муносабати билан табриклайди!

Дилеримизда доимо тинчлик-осойишталик,

оилаларимизда қут-барака ва

шоду, хуррамлик бўлсин!

8
декабрь



ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТА



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарк тинчи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgiz.uz adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237



9 772093 521009

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Маммазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖҲРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошфат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими –

288-46-54 (149);

Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими –

288-46-64 (146);

Қабулхона – 288-42-23, 288-46-64 (141) факс;

Котибнат – 288-46-64 (144).

Набатчи муҳаррир – Қ.Қўлдошев. Набатчи – И.Аҳунджанов.

«Шарк» НМАК босяхонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6909 Босишга топшириш вақти — 21.15 Босишга топширилди — 21.45